"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Тошкент шаҳар статистика
бошқармаси бошлиғи
Д.Шерматов
«04» январ 2018 йил

Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўлими тўғрисида
НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўлими (кейинги ўринларда бўлим деб аталади) Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 29 майдаги 137-к сонли буйруғига мувофиқ ташкил этилган ва Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим фаолияти Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасида ривожланишнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методологияга, халқаро стандартлар ва қоидаларга асосланган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган.

4. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, "Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига хамда "Тошкент шаҳар статистика бошқармаси тўғрисида"ги низомга амал қилади.

5. Бўлим Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси, ҳамда ушбу низом масалалари бўйича фаолиятини Бошқарманинг таркибий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

6. Бўлим ўз фаолиятини Бошқарма бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосарига бўйсунади.

II.БЎЛИМНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

1. Бўлимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

-юқори органларнинг буйруқ ва фармонлар асосида статистик маълумотларни режалаштирилган ҳолда жамлаш, қайта ишлаш, сифатли ва вақтида бажариш, ҳисоботларни жамлаш, статистик маълумотларни чиқариш, сифатини ошириш ишларини олиб боришда ҳаққонийликни таъминлаш.

- ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикасига оид давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда, зарур ҳолларда қоғоз кўринишида йиғишни,

рўйхатдан ўтказишларни, бир марталик ҳисобга олишларни, сўровларни ва бошқа кузатувларни ташкил этиш;

- ташқи иқтисодий фаолият ва савдо кўрсаткичларининг статистик ҳисобини юритиш, Тошкент шаҳар бўйича муҳим ташқи иқтисодий фаолият ва савдо жараёнларининг бирламчи статистик таҳлилини амалга ошириш;

- статистик ҳисобот кўрсаткичларини тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини ҳамда статистик маълумотларнинг шаффофлиги ва очиқлигини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

-хўжалик юритувчи субъектларга ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикасига оид давлат статистика ҳисоботи кўрсаткичларини ишончли тақдим этишда ҳар томонлама кўмаклашиш;

- ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасига оид статистик маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

- қонунчиликка мувофиқ, бўлим иш фаолиятида шаклланган архив ҳужжатларини жамлаш, сақлаш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ишларини амалга ошириш;

- ҳудуднинг ривожланишини янада тўлиқ акс эттирувчи комплекс статистик ва таҳлилий ахборотларни интернет тармоғи, оммавий ахборот воситалари ва маҳаллий телеканаллар орқали кенг тарқатиш.

2. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ, қуйидаги функцияларни амалга оширади:

-танланма статистик кузатувлар ва хўжалик юритувчи субъектлар сўровларини сифатли амалга оширилишини назорат қилиш;

-бирламчи қабул қилинган статистик ҳисоботларни тўғрилигини текшириш, ҳисобот тўғрисида тушунча бериш ҳамда корхона ва ташкилотлардан келиб тушган саволлар устида ишлаш;

-ҳисоботларнинг статистика органларига Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган муддатларда топширилиши бўйича мониторинг ўрнатиш;

-ҳисоботлардаги кўрсаткичларни ўзаро солиштириш орқали танланма ва якка ҳолдаги кузатув ишларини режага мувофиқ амалга ошириш;

-давлат статистикаси соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва статистик маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар билан самарали ҳамкорлик қилишни ташкил этиш, улар учун максимал қулай шарт-шароитлар яратиш;

-ҳудудларни ривожланишини тизимли таҳлил қилиш бўйича бошқа ҳудудий бошқарув органлари, давлат ҳокимияти органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш.

III. БЎЛИМНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

I. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан, бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда – уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) белгиланган тартибда давлат статистика ҳисоботини олиш ҳамда ундан статистика мақсадларида фойдаланиш;

- ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасидаги давлат статистика маълумотларида бузилишлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар бериш ва йиғма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

-ҳисоботларни жамлаш, ноаниқликлар бўйича саволларни қайта кўриб чиқиб, қўмитага тақдим этиш;

-ходимлар лавозимини ўзгартиришни, рағбатлантиришни, зарурат туғилганда эса интизомий жавобгарликка тортиш юзасидан бошқарма раҳбариятига таклиф киритиш;

-бўлимга тегишли саволларни муҳокама қилишда раҳбарият томонидан уюштирилган мажлисларда иштирок этиш;

-бўлимга керакли материалларни бошқарма бўлимларидан қабул қилиш;

-корхона ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган маълумотлар бўйича туғилган саволларни муҳокама қилиш;

-жамланма маълумотларни юқори ташкилотларга тақдим этишда керак бўладиган бошқа бўлимлардан маълумотлар олиш;

-бошқармада ўтказиладиган йиғилишлар ва кенгашлар ишида қатнашиш;

-ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича маълумотларни ва зарур бўлган материалларни бошқа ташкилотлардан сўраш;

-бўлим иши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун бошқарма тизими ходимларини жалб этиш (раҳбарият билан келишган ҳолда).

II. Бўлимнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

-бўлимдаги ишларни йўлга қўйиш ва амалга оширишга ҳамда ўз ваколати доирасидаги бошқа материалларнинг савиясига жавоб бериш;

-меҳнат қонунчилиги меъёрларига риоя этилишини таъминлаш;

-ходимларнинг иш қобилиятини ошириш мақсадида, ишлаш учун нормал шарт-шароит яратиш ва жамоада соғлом маънавий-руҳий муҳитни сақлаб туриш учун жавоб беради.

III.Бўлим ходимлари томонидан ушбу Низом талаблари бажарилмаганда қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

IV. БЎЛИМ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

1. Бўлим ўз ишини бошқарма раҳбарияти томонидан тасдиқланадиган истиқбол учун ишлаб чиқилган ва жорий режалар асосида ташкил этади.

2. Бўлим Давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда бошқарма бошлиғи томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган бўлим бошлиғи томонидан бошқарилади.

3. Бўлимнинг тузилиши ва штат бирлиги сони амалдаги қонунчиликка асосан Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.